

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАБАРАХИМОВА САЙЁРА БОРИЕВНА

**ДЕПРЕССИВ ГЕНЕЗЛИ СУИЦИДАЛ ТЕНДЕНЦИЯЛАРГА ЭГА
ЎСМИРЛАРДА ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ КЛИНИК-
ПСИХОПАТОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.18 – Психиатрия ва наркология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

УДК: 616.89-008.441.44:616.895.9

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бабарахимова Сайёра Бориевна

Депрессив генезли суицидал тенденцияларга эга ўсмирларда шахс
хусусиятларининг клиник-психопатологик жиҳатлари 3

Бабарахимова Сайёра Бориевна

Клинико-психопатологические аспекты личностных особенностей
подростков с суицидальными тенденциями депрессивного генеза 23

Babarakhimova Sayyora Borievna

Clinical and psychopathological aspects of personal characteristics
in adolescents with suicidal tendencies of depressive genesis 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАБАРАХИМОВА САЙЁРА БОРИЕВНА

**ДЕПРЕССИВ ГЕНЕЗЛИ СУИЦИДАЛ ТЕНДЕНЦИЯЛАРГА ЭГА
ЎСМИРЛАРДА ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ КЛИНИК-
ПСИХОПАТОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.18 – Психиатрия ва наркология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib952 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдуллаева Васи́ла Каримбековна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Турсунходжаева Людмила Александровна тиббиёт фанлари доктори, профессор Магзумова Шахноза Шахзадэевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

У.Х. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Суицидал хавфни замонавий диагностикаси ва идентификацияси жамият соғлиғини сақлашнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) статистик маълумотларига кўра, дунё буйича суиқасдларни ахборот тармоқларида кенг ёритилганлиги, кибернетик муҳит, интернетни виртуал маконларига киришни қулайлиги, тегишли контент сайтларини ва компьютер ўйинларини яратилиши туфайли болалар ва ўсмирларда жонига суиқасд қилиш ҳолатлари кескинлик билан кўпаймоқда. ЖССТ (2017) маълумотларига кўра, сўнгги 50 йил мобайнида ўз жонига қасд қилиш кўрсаткичи дунёда 60%га ошган бўлса, бунда ўз жонига қасд қилиш 15-45 ёшдаги кишилар орасида ўлимнинг асосий уч сабабининг бири ҳисобланади....».¹ Суицидал хавф предикторларини ҳисобга олган ҳолда депрессив генезли суицидал тенденцияларга эга ўсмирларда шахс хусусиятларининг клиник-психопатологик жиҳатларини аниқлаш ва суицидал хулқнинг дифференциал ташхислашни такомиллаштириш тиббиёт соҳасидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда суицидал тенденцияларни ва унга эквивалент аутоагрессив ва деструктив ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш суицидал хулқ-атворни келиб чиқиш хавфини олдини олишқаратилган кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада болалар ва ўсмирлардаги суицидал ҳатти-ҳаракатларни келиб чиқиш механизмларини аниқлаш, суицидал хулқнинг турли хил моделларини шаклланиш сабабларини баҳолаш, ривожланишининг клиник-динамик хусусиятларини баҳолаш; даво мезонларини оптималлаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Суицидал хавф предикторларини ҳисобга олган ҳолда депрессив генезли суицидал тенденцияларга эга ўсмирларда шахс хусусиятларининг клиник-психопатологик жиҳатларини баҳолаш ва суицидал хулқнинг дифференциал ташхислашни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда беморнинг клиник-динамик, ижтимоий-психологик ва когнитив хусусиятларини ҳисобга олиб,

¹ЖССТнинг 2017 йилги йиллик ҳисобот кўрсаткичлари [https:// www.who.int](https://www.who.int)

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590–сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

индивидуал ёндашув асосида суицидал хулқга мойилликни эрта аниқлаш, рецидивларнинг ва поликаррамликнинг олдини олиш, аҳоли орасида полинаркомания ва кашандалик даражасини камайтириш долзарб масалалардан бири бўлиб хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 16 мартдаги ПФ-3606 сон «Психиатрик ёрдамни кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида», 2019 йил 13 февралдаги ПФ-4190 сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини руҳий саломатлигини ҳимоя қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда клиник-эпидемиологик изланишлар ва ижтимоий демографик факторлар юқори суицидал гуруҳларни аниқлашга бағишланган, аммо суицидал хулқ атворга мойил ва шахс хусусиятларини депрессив симптоматика билан ўзаро боғлиқлиги ва суицидал хулқ атворга мойиллигини баҳолашга қаратилган қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Клиник-эпидемиологик ва ижтимоий-демографик хавфли омилларни баҳолаш орқали суицидал мойиллиги юқори бўлган гуруҳлар аниқланган (Бадмаева В.Д., 2016; Зотов П.Б., 2017; Franklin, J.C., Ribeiro, J.D., 2017). Даволаш-ташхислаш амалиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган суицидал тенденциялар клиник-психопатологик изланишлар орқали клиник хусусиятлари аниқланган (Колягин В.В., 2018; Madigan S.; Ly A., Rash Ch. L., 2018). Болалар ва ўсмирларда суицидал хулқ-атворни чуқур ва батафсил баҳолашнинг зарурлиги сабаби бу ёшнинг психологик ўзига хослиги, суицидал тенденцияларни ташхисоти ва верификацияси қийинчилик туғдириши, шаклланган антисуицидал тўсиқ ва тўхтатиб қолувчи протектив омиллар йўқлиги, суицидал хавфни келиб чиқишида ижтимоий-психологик предикторларнинг хилма-хиллигидир. Республикада олиб борилган илмий изланишлар катта ёшдаги аҳоли популяциясидаги суицидал хулқнинг хусусиятлари ўзига хослиги аниқланган (Ходжаева Н.Д. 2007, Ешимбетова С.З., Абдулкасымов Ф.Б., Харабара Г.И. 2011; Ашуров З.Ш. 2018; Ядгарова Н.Ф. 2019, Алимов У.Х., Абдуллаева В.К. 2019).

Дунёда болалар ва ўсмирлар ўртасидаги суицидал тенденцияларни эрта аниқлаш ва олдини олишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб

борилмоқда. Жумладан, рухий ва хулқ-атвор бузилишлари мавжуд ва бу бузилишлар ривожланиб бориши ҳамда суицидал тенденцияга трансформация бўлиши хавфи бор беморларни эрта босқичларида аниқлашга имконият яратувчи дифференциаллашган даволаш ва профилактик чора-тадбирларини оптималлаштириш муҳим амалий аҳамиятига эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига муфовиқ «Ёшга қараб психик ва наркологик касалликларни клиник-патогенетик ва патопсихологик хусусиятлари, эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш, профилактикаси» мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади суицидал ҳавф предикторларини ҳисобга олган ҳолда депрессив генезли суицидал тенденцияларга эга ўсмирларда шахс хусусиятларининг клиник-психопатологик жиҳатларини баҳолаш ва суицидал хулқнинг дифференциал ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

депрессив бузилишлари бор бўлган ўсмирларнинг суицидал хулқини ўзига хослигини, шахсий хусусиятлар ва суицидал тенденцияларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

шахс хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўсмирлардаги депрессияни клиник кўринишларини ва оғирлик даражасини аниқлаш;

биологик ва ижтимоий психологик омилларни ўсмирларда суицидал тенденцияларни шаклланишига таъсирини баҳолаш;

шахс хусусиятларини ва депрессия белгиларини ҳисобга олган ҳолда ўсмирларда суицидал хулқнинг шаклланиш ҳафвини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳар рухий касалликлар клиник шифохонасининг ўсмирлар бўлимида нопсихотик даражадаги психик бузилишлар билан даволанаётган 15 ёшдан 19 ёшгача 111 бемор ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида депрессив регистрли суицидал тенденцияли ва хулқ-атвор бузилишли ўсмирларнинг ижтимоий, анамнестик, клиник-патопсихологик хусусиятлари ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-психопатологик, клиник-катамнестик, экспериментал психологик ва статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

депрессив бузилишлари бор бўлган ўсмирларда суицидал хулқ билан шахсий хусусиятлари орасида ўзаро узвий боғлиқлик аниқланган;

шахс хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўсмирлардаги депрессиянинг клиник турлари (дисфорик, ипохондрик, вахимали, дисморфофобик, астенопатик) ва уларнинг оғирлик даражаси аниқланган;

ўсмирларда суицидал хулқнинг тенденциялари шаклланишига психологик, ижтимоий, демографик омилларининг таъсири асосланган;

шахс хусусиятларини ва депрессия белгиларини ҳисобга олган ҳолда ўсмирларда суицидал хулқнинг шаклланиш рухий-ижтимоий ҳавф мезонлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

депрессив генезли суицидал тенденцияларга шахсий хусусиятларнинг таъсири, ҳавф омиллари ва суицидга қарши тўсиқ бўлиши мумкин бўлган омиллар мажмуасига ишлаб чиқилган;

суицидал тенденцияларга мойил бўлган ўсмирларнинг шахсий хусусиятларини қиёсий баҳолаш кетма-кетлиги ишлаб чиқилган;

депрессив генезли суицидал тенденцияларни шаклланишининг илк босқичларида идентификация қилиш усуллари таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишдаги қўлланилган назарий ёндашув ва усулларни тўғри қўлланилганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, услубий жиҳатдан тўғри ёндашиш, тадқиқот натижаларининг хорижий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, олинган натижалар ҳамда чиқарилган хулосаларнинг далилий тиббиёт тамойилларига асосланганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертацион изланишлардан олинган натижалар ҳозирги кундаги шахс хусусиятларини суицидал уринишларнинг шакллари ва оғирлик даражаларига таъсири, суицидал хулқнинг шаклланиш механизмларининг ўзига хослиги, провокацион ва тўсқинлик қилувчи биологик ва ижтимоий-психологик омилларни комплекс равишда табақалаштирилган ҳолда тузиш, даволаш-профилактика тадбирларини оптималлаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда ўсмирлардаги суицидал хулқнинг шаклланиш ҳафви идентификацияси ва превенцияси бўйича ишлаб чиқилган тавсияларни қўллаш имконияти, тиббий муассасаларда болалар ва ўсмирларда суицидал хулққа мойилликни эрта аниқлашни оптималлаштириш, беморнинг клиник-динамик, ижтимоий-психологик ва когнитив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал даволаш режасини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Суицидал тенденцияларга эга ўсмирларда шахс хусусиятларининг клиник-психопатологик жиҳатларини аниқлаш ва суицидал хулқнинг дифференциал ташхислашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

депрессив генезли суицидал тенденцияларга эга ўсмирларда шахс хусусиятларининг диагностика усуллари бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Депрессив генезли суицидал тенденцияларга эга ўсмирларда шахс хусусиятларининг диагностика усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 8н-д/69-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома депрессив генезли суицидал тенденцияларга эга ўсмирлар орасида ўз

жонига қасд қилиш ва турли хил асоратлар сонини камайтириш, беморларни касалхонага ётқизиш эҳтиёжини камайтириш имконини берган;

Ўсмирларда суицидал хулқини диагностика усуллари кўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Ўсмирларда суицидал хулқни диагностика усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 8н-д/69-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ўсмирларда суицидал хулқини профилактика ва диагностика ишларини оптималлаштириш имконини берган;

суицидал тенденцияларга эга ўсмирларда шахс хусусиятларининг клиник-психопатологик жиҳатларини аниқлаш ва суицидал хулқнинг дифференциал ташхислашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Урганч шаҳар Хоразм руҳий-асаб касалликлари диспансерининг ўсмирлар бўлимининг даволаш-маслаҳат поликлиникаси, Тошкент шаҳар болалар руҳий-асаб касалликлари маркази ва 1 сонли Тошкент шаҳар руҳий асаб касалликлари диспансери амалиётларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 октябрдаги 08-09/14675-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ўсмирларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда психологик ташхисотни такомиллаштиришни ва даволаш чораларни адекватлиги ва самандорлигини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар нашр қилинган бўлиб, жумладан, 12 та мақола, улардан 4та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган журналларда, улардан 2 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, иловалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Хозирги замон ўсмирлик ёшидаги суицидал хулқ атвор муаммоларини ўрганиш» номли биринчи бобида диссертация мавзусига оид илмий ишларнинг изчил таҳлили келтирилган. “Адабиётлар маълумотлари мунозарасида” мужассамлашган болалар ва ўсмирларда суицидал хулқнинг ўзига хос шаклланишининг аспекти ҳақида илмий маълумотлар акс этган ҳамда ўсмирларда учрайдиган суицидал хулқнинг моделлари ва ўсмирлик давридаги суицидларни эрта превенция муаммолари таҳлили ўтказилган бу эса ўз навбатида илмий изланишларни давом эттирилишини исботлайди.

«Депрессив генезли суицидал тенденцияларга эга ўсмирларда шахс хусусиятларининг клиник-психопатологик жиҳатлари» мавзули диссертациянинг «Адабиётлар маълумотлари мунозараси» деб номланган биринчи бобида диссертацияга таалукли халқаро илмий тадқиқотларнинг изчил таҳлили ўтказилган. Болалар ва ўсмирларда суицидал хулқнинг ўзига хос шаклланишининг аспекти ҳақида илмий маълумотлар акс этган ҳамда ўсмирларда учрайдиган суицидал хулқнинг моделлари ва ўсмирлик давридаги суицидларни эрта превенция муаммолари таҳлили ўтказилган бу эса ўз навбатида илмий изланишларни давом эттирилишини исботлайди.

Диссертациянинг «Клиник материаллар ва тадқиқот услубларининг умумий тавсифномаси» деб номланган иккинчи бобида илмий ишда қўйилган мақсаддан келиб чиқиб тадқиқот материал ва ўз ичига олган клиник, клиник-катамнестик ва экспериментал-психологик текшириш усуллари умумий тавсифи берилган. Тадқиқот объектини Тошкент шаҳар клиник руҳий касалликлар шифохонасининг ўсмирлар бўлимларида 2019-2021 йилларда депрессив бузилишлар билан даволанган 111 ўсмир (78 уғил бола ва 33 қиз бола) киритилди. Текширувга киритилиш мезонлари қилиб қуйидагилар олинди психик бузилишлари бор ва 10-ХКТ бўйича верифицирланган – F43 “Оғир стрессга реакция ва адаптация бузилиши” ва F91- F92 “Одатда болалар ва ўсмирлик ёшида бошланадиган хулқ бузилишлари” текширув вақтида депрессив спектрли аффектив бузилишлар устунлиги ва депрессив бузилишлар структурасида суицидал тенденциялар мавжудлиги. Текширувдан чиқариш мезонларига эндоген ва экзоген органик генезли психик бузилишлар ва сурункали соматик касалликлар ташкил қилди. Текширувчилар 15-19 ёшда эди. Текширув вақтида ўсмирларнинг ўртача ёши- $16,96 \pm 1,98$ ёш эди.

8 (7,2%) ўсмирда стрессга ўткир реакция, жароҳатдан кейинги стрессли бузилиш 3(2,7%)да, хулқ бузилиши устунлиги билан кечувчи адаптация бузилиши 4(3,6%)да, адаптациянинг аралаш бузилиши 8(7,2%), оила доирасида хулқ бузилиши 6(5,4%) ўсмирларда кузатилди. Ижтимоийлашмаган хулқ бузилиш 31(27,9%) ҳолатларда аниқланди, ижтимоийлашган хулқ бузилиши 44(39,6%), хулқнинг депрессив бузилишлари 4(3,6%) беморда аниқланди (1-расм). Беморлар 2та гуруҳга ажратилди. Асосий гуруҳга депрессив бузилишлар ва суицидал тенденциялари бор 61(54,9%) ўсмир танланди. Таққослаш гуруҳини

суицидал тенденцияларсиз депрессив бузилишлар билан 50(45,1%) ўсмирлар ташкил қилди.



1-расм. Психик бузилишларнинг нозологик структураси

Ўсмирларда депрессив спектрни психопатологик бузилишларининг даражасини ўрганиш мақсадида ўзидаги депрессияни ўзи баҳолаш Цунг шкаласи (ZDRS), шахс хусусиятларини аниқлашда А.Е. Личконинг сўровномасидан (МПДО А.Е. Личко, Н.Я. Иванов, 2001) фойдаланилди. Суицидал ҳавф даражасини ўсмирларда аниқлаш мақсадида «Суициднинг оғирлигини баҳолаш Колумбия шкаласи» (Posner K., Brown G R., Stanley B., 2011) қўлланилди.

«Ўсмирлик даврдаги суицидал тенденцияларнинг ўзига хос хусусиятлари» номли учинчи бобда суицидал хулқнинг шакллари, мотивлари, суицидал ниятларини амалга ошириш йўллари назарга олган ҳолда асосий гуруҳга кирган ўсмирларда суицидал тенденцияларнинг хусусиятларини таҳлили натижалари келтирилган.

Текширилган ўсмирлар орасида энг кўп кузатилган суицидал хулқлардан намоёишкор тип аниқланди (29та (47,5%) беморда). Аффектив типдаги суицидал хулқ нисбатан кам ўсмирларда аниқланди (20та беморда, 32,8%). Ўсмирларнинг кўпчилиги (80,3%) ҳаётдан кўз юмишнинг чин мақсадлари бўлмаган, балки улар намоёишкор суицидал хулқ ёки кучли эмоциялар таъсирида импульсив ҳаракат қилишган шу сабабли уларда чин суицидал хулқ ишончли кам кузатилган (19,7%; $p < 0,001$). Суицидал фикрларни тавсифномасини Колумбия шкаласи бўйича аниқланишича кўпчилик ўсмирларда суицидал ҳаёллар долзарб аҳамиятга эга бўлган; жонига қасд қилиш пассив ва носпецифик ҳаёлларни (21,3%) аниқланган сони ва актуал суицидал фикрлар (78,7%) сони ўртасида фарқ статистик ишончилиги ($p < 0,001$) аниқланди. Кўпчилик ўсмирларда психиатрик

стационарга госпитализация қилингандан кейин ҳам суицидал фикрлар ўз актуаллигини сақлаган, хар куни ва бир неча соат иродавий назоратга бўйсунмасдан давом этган. Суицидал хулқнинг асосий мотивлари ўсмирларда муаммоларига атрофдагиларни диққатини жалб қилиш, хафа қилганлардан қасд олиш, кўнгилғашликни енгиллаштириш. Ўсмирларнинг асосий қисми тўхтатиб турувчи (суицидга қарши) омилларнинг таъсирини пессемистик баҳолашган бу эса суицидал ҳаракатларнинг хафвини сақланганлигининг юқориликдан дарак беради. Текширилган барча ўсмирлардан суицидал уринишлар содир қилганлар 42,6%ни ташкил қилади. Беморларни батафсил савол-жавоб қилинганда 36,1% ўсмирлар режалаштирилган жонига суиқасд қилишга тайёргарлик кўришган (дори воситаларни сотиб олиш ва йиғиш, ўткир кесувчи буюмларни сотиб олиш, кундалик ёзувлар олиб бориш, хайрлашув хатлари ёзиш). Стационарга келган вақтда содир қилинган суицидал уринишлар усуллари ва беморларининг шахс хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни урганиш курсатишича суицидал уринишларни истероид, эпилептоид ва аффектив типдаги вакиллар бажаришган. Гипертим ва турғунсиз типдаги вакиллар орасида суицидал уринишлар текширув вақтида ҳам, анамнездан ҳам аниқланмаган. Кесишга мойиллик асосан истероид акцентуацияли ўсмирларда (23,1%), суицидал уринишларнинг аралаш усуллари кўпроқ эпилептоид феъл атворга эга ўсмирларда (15,4%) кузатилди.

1-жадвал

Ўсмирларни акцентуация тури бўйича суицидал хулқига қараб тақсимланиши

Суицидал хулқ типи	Акцентуация тури						
	Истероид	Аффектив	Эпилептоид	Психастеник	Гипертим	Турғунсиз	Жами
	абс.%	абс.%	абс.%	абс.%	абс.%	абс.%	абс.%
Намойишкор-шантажли	24/39,4*	3/4,9*	1/1,6**		1/1,6		29/47,5
Аффектив	1/1,6	9/14,8	8/13,1	2/3,3			20/32,8
Чин		3/4,9	7/11,5	1/1,6		1/1,6	12/19,7
Жами	25/41,1	15/24,6	16/26,2	3/4,9	1/1,6	1/1,6	61/100,0

Изоҳ: *фарқлар ишончлилиги $p < 0,01$

** фарқлар ишончлилиги $p < 0,001$

Ўсмирларнинг суицидал хулқига шахснинг преморбид хусусиятлари

статистик аҳамиятли таъсир кўрсатади, преморбид хусусиятлар танланган суицидал хулқ шакли ва усули, аҳамиятлилик даражаси, суицидал фикрларни интенсивлиги, иродавий назорат қила олишлилиги, тўхтатиб турувчи (антисуицидал) омилларнинг шакланганлиги билан корреляция борлиги аниқланди. Истерик шахсларда суицидалликни унча оғир бўлмаган кўринишлари аниқланди, уларда намойишкор суицидал хулқ, суицидал турғунсиз, пассив ҳаёллар суицидал ниятларни амалга оширишни аниқ режаси йўқлиги, тўхтатиб турувчи (антисуицидал) омилларнинг сезиларли таъсири билан тавсифланади.

Текширув жараёнида кўпчилик ўсмирларда (асосан аффектив ва эпилептоид турларида) юқори интенсивлик ва давомийлиги, тўхтатиб (антисуицидал) омилларни шакланмаганлиги, иродавий назоратни сустлиги билан фарқланадиган актуал суицидал ҳаёллар кузатилди. Бу суицидал ҳаракатларни қайтрилишини юқори хавфлилигини дараги бўлиб суицидал хулқнинг сабабларини ва уларни бартараф қилишни тақозо қилади.

«Суицидент ўсмирларда депрессиянинг клиник хусусиятлари» номли тўртинчи бобида депрессиянинг клиник шакллари ва депрессив симптоматиканинг оғирлик даражасини ўсмирларнинг шахс хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилган, таққослаш аспектида депрессив генезли суицидал тенденцияларни шаклланиш ҳафвида можаровий вазиятларни роли, ўсмирларда шаклланаётган шахс бузилишларини депрессиянинг оғирлик даражасига ва аффектив патологиянинг клиник кўринишларига таъсири кўриб чиқилган. Депрессиянинг клиник хусусиятлари ўрганилганда етакчи синдромга кўра бешта клиник шакллари ажратилди - дисфорик, ваҳимали, дисморфофобик, астенопатик ва ипохондрик (2-жадвал).

2-жадвал

Депрессиянинг клиник шакли бўйича ўсмирларни тақсимланиши

Депрессиянинг клиник шакли	Асосий гуруҳ		Таққослаш гуруҳи		Жами	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Дисфорик	26*	42,6	9*	18,0	35	31,6
Ваҳимали	17	27,9	13	26,0	30	27,0
Астенопатик	7	11,5	7	14,0	14	12,6
Дисморфофобик	5	8,2	9	18,0	14	12,6
Ипохондрик	6**	9,8	12**	24,0	18	16,2
Жами	61	100,0	50	100,0	111	100,0

Изоҳ: *фарқлар ишончлилиги $p < 0,01$

**фарқлар ишончлилиги $p < 0,045$

Текширилган ўсмирларда энг кўп дисфорик (31,5%) ёки ваҳимали (27,0%) депрессиялар учради, камроқ - ипохондрик (16,3%), астенопатик (12,6%) ва дисморфофобик (16,3%) депрессиялар. Ижтимоийлашган хулқ

бузилишлари бор ўсмирларда дисфорик депрессиялар (23,4%) кўплиги аниқланди, ваҳимали (9,9%) депрессиялар нисбатан кўпроқ ижтимоийлашмаган хулқ бузилишлари бор ўсмирларда аниқланди. Депрессиянинг клиник шакллари ва ўсмирнинг феъл атвор акцентуацияси ўртасида корреляция ўрганилганда эпилептоид акцентуацияли феъл атворли ўсмирларда дисфорик депрессия нисбатан кўплиги (18,0%), ваҳимали депрессия кўпроқ психастеник шахсларда (12,6%), астенопатик депрессия - истерик шахсларда (5,4%), дисморфофобик депрессия 11,7% истероид акцентуацияли ўсмирларда кузатилди. Гипертим (5,4%) шахсларда нисбатан кўпроқ ипохондрик депрессия ташхисланди. Шахснинг преморбид типологик хусусиятлари билан депрессиянинг клиник шакллари билан корреляция етарли кучли булиб ($C= 0,71$, $p < 0,001$) ва депрессив бузилишнинг нозологик тегишлилиги билан боғлиқлигидан юқори.

Депрессиянинг клиник расмийлаштириш депрессияни ўзини нозологик тегишлилиги билан ва шахснинг типологик хусусиятлари билан салмоқли боғлиқликни аниқлади. Депрессив бузилишларнинг нозологик тегишлилиги ва ўсмирлар хулқида суицидал тенденцияларнинг бор ёки йўқлигида боғлиқликни ўрганиш натижасида асосий гуруҳда (49,2%) таққослаш гуруҳига (28,0%; $p < 0,045$) нисбатан статистик ишончли ижтимоийлашган хулқ бузилишлари (F91.2) бор ўсмирлар кўпроқлиги ўрнатилди. Оила доирасида чегараланган хулқ бузилишлари (F91.0), таққослаш гуруҳидаги ўсмирларда асосий гуруҳидаги ўсмирларга нисбатан ишончли кўпроқ кузатилди (1,6% асосий гуруҳдаги ўсмирларда ва 10,0% - таққослаш гуруҳидаги; $p < 0,045$).

Асосий гуруҳдаги ўсмирларда ишончли кўпроқ дисфорик депрессия кузатилди (42,6% ўсмирларда асосий гуруҳда ва 18% - таққослаш гуруҳида; $p < 0,01$), ғамгин-жаҳлдор кайфият, уришқоклик, агрессия, тушкун психоэмоционал кайфият фонидан ўзидан катталарга, айниқса ота-онасига ва яқин қариндошларига кўпол муомалада намоён бўлиши. Умумий танловда бошқа клиник шакллалардан кўпроқ дисфорик депрессия верифицирланди (умумий танловда 31,6% ўсмирда) ва асосан ижтимоийлашган хулқ бузилиши бор ўғил болаларда. Депрессия клиникасига шахс бузилишининг шаклланиши эксплозивликни кучайиши, импульсивлик, қаҳриқаттиклик, ота-онасига оппозицион муносабатда бўлиши, аддикция ва асоциал хулқ каби характерологик реакциялар кўринишида катта таъсир кўрсатади. Ваҳимали депрессия иккита гуруҳидаги ўсмирларда бирҳил аниқланди (27,9% бемор асосий гуруҳда ва 26% бемор таққослаш гуруҳида; $p > 0,05$).

Астенопатик депрессия клиник манзарасида (11,5% бемор асосий гуруҳда ва 14,0% бемор таққослаш гуруҳидан; $p > 0,05$) етакчи шикоятлардан тез чарчаш, кучсизлик, бўшашиш, ҳаракатларни сустлашиши, кўпчиликни кўтара олмаслик, тенгдошлари ва синфдошлари орасида бўлолмаслик, мулоқотга киришаолмаслик, фаолсизлик, зерикиш кузатилади.

Дисморфофобик депрессия фақат кизларда кузатилди (8,2% асосий гуруҳда ва 18,0% таққослаш гуруҳида; $p > 0,05$). Дисморфофобик депрессия клиникасида ўзини камчиликларини ошириб қабул қилиш, жисмоний

нуқсонлар борлигидан, гўзаллик стандартларига ва эталонига тўғри келмасликдан шикоят қилиш. Ипохондрик депрессияда ҳам ўхшаш натижалар олинди, ипохондрик депрессия ишончли кўпроқ таққослаш гуруҳида кузатилди (9,8% асосий гуруҳ беморларида ва 24,0% таққослаш гуруҳи беморларида; $p < 0,045$). Ўсмирларнинг умумий танланмасида дисморфофобик ва астенопатик депрессияларга қараганда ипохондрик депрессия кўпроқ верифицирланди ($y = 16,2\%$ умумий танловда) ва асосан адаптация ва мослашиш реакцияларни бузилишлари бор ўсмирларда. Суицидал тенденцияларни депрессияни клиник шакллари билан корреляцияси статистик аҳамиятли ва кучи бўйича ўрта бўлди ($C = 0,30$, $p < 0,045$).

Цунг шкаласи бўйича олинган натижаларга кўра асосий гуруҳдаги ўсмирларда оғир депрессия кўп миқдорда аниқланди (36,1% бемор асосий гуруҳда ва 10,0% бемор таққослаш гуруҳида; $p < 0,001$). Асосий ва таққослаш гуруҳларида ўрта даражадаги депрессия сонидан ишончли фарқ кузатилмади (55,7% бемор асосий ва 48,0% бемор таққослаш гуруҳида; $p > 0,05$). Енгил депрессиялар ишончли кўпроқ таққослаш гуруҳида кузатилди (8,2% бемор асосий ва 42,0% бемор таққослаш гуруҳида; $p < 0,001$) (3-жадвал).

3-жадвал

Депрессиянинг оғирлиги бўйича ўсмирларнинг тақсимланиши

Депрессия оғирлик даражалари	Асосий гуруҳ		Таққослаш гуруҳи		Жами	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Енгил	5*	8,2	21*	42	26	23,4
Ўрта	34	55,7	24	48	58	52,3
Оғир	22*	36,1	5*	10	27	24,3
Жами	61	100	50	100	111	100

Изоҳ: *фарқлар ишончилиги $p < 0,001$

Депрессиянинг оғирлик даражаси бўйича ўсмирларнинг тақсимланишининг таҳлиliga кўра асосан дисфорик депрессияни оғир депрессияларга тегишлилигини (14,4%), ва сони бўйича ваҳимали депрессиялар сонидан статистик фарқ қилишини кўрсатди (1,8%, $p < 0,045$). Ўрта даражадаги депрессиялар кўпроқ ваҳимали депрессияларга хос (22,5%), ва дисморфофобик депрессияладан учраши бўйича ишончли фарқланади (3,6%, $p < 0,045$). Енгил депрессияларда нисбатан кўп ипохондрик депрессиялар учради (8,1%). Депрессив симптоматикани оғирлик даражаси депрессиянинг клиник шакллари билан корреляцияси статистик аҳамиятли ва кучи бўйича ўрта ($C = 0,47$, $p < 0,001$).

Депрессиянинг оғирлик даражаси ва акцентуация тури ўртасидаги корреляция ўрганиш натижасида истероид ўсмирларда кўпроқ енгил (12,6%) ва ўрта (16,2%) даражадаги депрессияга мойиллик аниқланди. Оғир

депрессиялар кўпинча эпилептоид шахсларда кузатилди (2,7%; $p > 0,05$), аффектив (7,2%; $p > 0,05$) ва психастеник шахсларда (5,4%; $p > 0,05$) бу кўрсаткич бўйича аниқланмади. Депрессив симптоматиканинг оғирлик даражасини шахс преморбид типологик хусусиятлари билан корреляцияси статистик аҳамиятли ва кучи бўйича ўрта эди ($C = 0,41$, $p < 0,001$).

Икки гуруҳдаги ўсмирлардаги келишмовчиликлар характери ўрганиб чиқилганда келишмовчиликлар реал фактлар асосида келиб чиққанлиги ва ўсмир ҳаётида муҳим рол ўйнаши аниқланди. Оилавий келишмовчиликлар юқори статистик ишончлик билан суицидент ўсмирларда (68,8% бемор асосий ва бор йўғи 12,0% бемор таққослаш гуруҳидан; $p < 0,001$) кузатилди. Ўқув муассасалардаги тенгдошлари орасидаги келишмовчиликлар статистик ишончли кўпроқ таққослаш гуруҳидаги ўсмирларда (14,8% бемор асосий ва 54,0% бемор таққослаш гуруҳларида; $p < 0,001$) аниқланди. Жавобсиз севги-муҳаббат сабабли тескари жинс вакиллари билан бўлган келишмовчиликлар сони солиштирма таҳлили натижаси статистик ишончли кўпроқ таққослаш гуруҳида (9,8% бемор асосий ва 32,0% таққослаш гуруҳида; $p < 0,003$) кузатилди.

Хулоса қилинганда, бизнинг кузатувларимизда суицидал тенденцияларни шаклланишига сабаб бўлган келишмовчиликлар асосан сезиларли даражада аҳамиятли бўлган оилавий ўзаро муносабатларга тегишли эканлиги аниқланди. Суицидал тенденцияларни бор ёки йўқлиги келишмовчиликларни характери билан корреляцияси кучи бўйича ўрта даражада статистик аҳамиятли эди ($C = 0,51$, $p < 0,001$).

Ўсмирларнинг шахс хусусиятларини ҳисобга олиб келишмовчиликларни сабабларини тақсимлаш натижалари бўйича қуйидагилар аниқланди истероид акцентуацияли беморлар (26,1%) “оила доирасидаги можаролар” параметри бўйича юқори кўрсаткичларга эга, психастеник шахсларда келишмовчиликлар асосан ўқув муассасида кузатилди (18,9%).

Турғунсиз шахсларда жавобсиз севги-муҳаббат сабабли тескари жинс вакиллари билан бўлган келишмовчиликлар кўпроқ қайд этилди (5,4%). Суицидоген келишмовчиликларни сабабларини шахс преморбид типологик хусусиятлари билан корреляцияси статистик аҳамиятли ва кучи бўйича ўрта эди ($C = 0,66$, $p < 0,001$).

“Суицидал тенденцияларни шаклланиш предикторлари” номли бешинчи бобда суицидал тенденцияларни шаклланишида ижтимоий ва психологик омилларнинг роли ўрганиб чиқилган. Биологик омиллар қаторига психик патология бўйича наслий мойиллик, суицидал хулқ келиб чиқиш вақтига ўсмир ёши ва шахс конституционал хусусиятлари киритилди. Олинган натижаларга кўра, психик патология бўйича наслий мойиллик ишончли кўпроқ асосий гуруҳдаги ўсмирларда аниқланди (72,1% асосий гуруҳ беморларда ва 38,0% таққослаш гуруҳ беморларида; $p < 0,001$). Алкоголли қарамлик бўйича наслий мойиллик кўп (31,1%), таққослаш гуруҳидаги ўсмирларнинг қариндошларида эса 6,0% ҳолатларда ($p < 0,001$) кузатилди. Эндоген касалликлар бўйича наслий мойиллик (8,2% асосий гуруҳ беморларида ва 8,0% таққослаш гуруҳи беморларида ; $p > 0,05$) ва

чегарадош асаб-руҳий бузилишлар билан (9,8% асосий гуруҳ беморларида ва 10,0% таққослаш гуруҳ; $p > 0,05$) иккита гуруҳ ўсмирларида баравар кузатилди (4-жадвал).

4-жадвал

Психик патологияга кўра наслий мойиллик ва суицидал хулқ бўйича ўсмирларни тақсимланиши

Наслий омиллар	Асосий гуруҳ		Таққослаш гуруҳи		Жами	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Эндоген касалликлар	5	8,2	4	8,0	9	8,1
Чегарадош асаб-руҳий касалликлар	6	9,8	5	10,0	11	9,9
Аффектив бузилишлар	12	19,7	7	14,0	19	17,2
Алкоголли қарамлик	19*	31,1	3*	6,0	22	19,8
Тугалланган суицид	2	3,3	-	-	2	1,8
Насли тоза	13*	21,3	31*	62,0	44	39,6
Маълумотлар олиш имконияти бўлмади	4	6,6	-	-	4	3,6
Жами	61	100,0	50	100,0	111	100,0

Изоҳ: *фарқлар ишончлилиги $p < 0,001$

Асосий гуруҳдаги ўсмирларда аффектив бузилишлар бўйича наслий мойиллик (19,7%), аммо таққослаш гуруҳидаги ўсмирлар билан бу кўрсаткич бўйича статистик ишончли фарқ (14,0%; $p > 0,05$) топилмади. Тугатилган суицид бўйича наслий мойиллик фақат асосий гуруҳдаги ўсмирларда аниқланди (3,3%; $p > 0,05$). Таъкидлаб ўтиш керак, кўпчилик таққослаш гуруҳидаги ўсмирларда (21,3% асосий гуруҳ ва 62,0% - таққослаш гуруҳида; $p < 0,001$) психик патология бўйича наслий мойиллик аниқланмади. Суицидал тенденцияларни бор ёки йўқлиги ва наслий мойиллик ўртасидаги корреляция ўрта кучли боғлиқликни кўрсатди ($C=0,43$, $p < 0,045$). Бу эса психик патология бўйича наслий мойилликни биринчи навбатда алкогольли қарамликни ўсмирларда суицидал хулқ шаклланишида хафв омилларига киритилишига асос бўла олади.

Шахс характерологик хусусиятларини конституционал-генетик омиллар билан ва суицидоген депрессив бузилишларни типологик хусусиятлари ўртасида боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда ўсмирлардаги суицидал тенденцияларни келиб чиқишида характер акцентуацияларни турини таъсирини баҳолашни ўринли ҳисобладик.

Акцентуация тури бўйича ўсмирларни тақсимланиши

Характер акцентуацияси	асосий		таққослаш		жами	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Истероид	25*	41,1	10*	20,0	35	31,5
Аффектив	15**	24,6	2**	4,0	17	15,3
Эпилептоид	16***	26,2	4***	8,0	20	18,1
Психастеник	3	4,9	21****	42,0	24	21,6
Гипертим	1*	1,6	6*	12,0	7	6,3
Турғунсиз	1*	1,6	7*	14,0	8	7,2
Жами	61	100	50	100	111	100

Изоҳ: *фарқлар ишончилиги $p < 0,045$
 **фарқлар ишончилиги $p < 0,003$
 ***фарқлар ишончилиги $p < 0,01$
 ****фарқлар ишончилиги $p < 0,001$

